Стратегик ва минтақалараро
КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 247 (10.552) / 2005 ЙИЛ 23 ДЕКАБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

●**БУГУН** Бектемир туманидаги марказлашган кутубхоналар тизимига қарашли болалар кутубхонасида китобхонлар, жажжи болажонлар учун уюштирилган тадбир «Қорбобо—даврамизга марҳабо» деб номланди.

●**ШАҲРИМИЗДАГИ** 22,23-Меҳрибонлик уйларида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тайёрланган «Ҳар доим «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида уюштирилган тадбирда тарбияланувчиларга совғалар туҳфа этилди.

●**БУГУН** Чилонзор туманидаги 179- мактабда «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши қошидаги «Маҳалла умидлари» маркази ташаббуси билан қизлар иштирокида «Оила—муқаддас Ватан» номли кўрик-танлов ўтказилди.

●**ЎТГАН** куни Ҳамза туманидаги 30-Меҳрибонлик уйида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгашининг «Ҳар доим «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида тарбияланувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Камолот» ЁИҲ Ҳамза ҳамда Бектемир туманлари бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилди.

●**БУГУН** Ўзбек Миллий академик драма театрида футбол бўйича мамлакат XIV миллий чемпионати ғолиби—«Пахтакор» жамоаси аъзоларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

●**ЎТГАН** куни 31-Меҳрибонлик уйида «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман бўлими Кенгаши томонидан яқинлашиб келаётган янги йил муносабати билан уюштирилган тадбирда тарбияланувчиларга байрам совғалари топширилди.

● **175-МАКТАБДА** «Камолот» ЁИҲ Миробод туман Кенгаши ташаббуси билан сардорлар учун ўқув семинари бўлиб ўтди.

● **РЕСПУБЛИКА** Нафис санъат лицейида 1-синф ўқувчилари ва ўқитувчилар иштирокида саводхонлик байрами ўтказилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** эл суйган санъаткор, халқ артисти Саодат Қобулова таваллудининг 80 йиллиги санъаткорлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида нишонланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** фаолият юритаётган «Мир» компаниясининг замонавий усулда бунёд этилган янги савдо мажмуаси харидорларга хизмат кўрсата бошлади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**



Ҳунар — ҳунардан унар нақлига амал қилиб ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланаётган моҳир уста Жамшид Иброҳимов яратган маҳсулотлар халқаро ярмаркаларда намойиш этилиб, хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

**СУРАТДА: ҳунарманд Жамшид Иброҳимов иш устида.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Жиззах вилояти бўлими 29-Меҳрибонлик уйи, Пахтакордаги сил касалликлари болалар диспансери, Бўстондаги махсус болалар интернатида байрамолди совғаларини тарқатди.

● Бешариқ тумани марказидан анча олисдаги Янгиариқ қишлоғида янги умумтаълим мактаби бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Янги мактаб замонавий таълим жиҳозлари билан таъминланган бўлиб, компьютер, лингафон хоналари ва фанга оид ўқув қуроллари ўқувчиларнинг билим олишида қўл келмоқда.

● «Cotton-export» компаниясида тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги линия фаолияти йўлга қўйилганидан сўнг Қўқон шаҳридаги 500 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди.

● Конимех туманидаги «Конимехобод» полипропилен ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамияти қошида макарон маҳсулотлари тайёрланадиган мини завод иш бошлади. Заводнинг дастлабки 10 тоннадан ортиқ макарон ва дон маҳсулотлари Қизилқум чорвадорларига етказиб берилди.

● Косон туманида халқ таълими ходимлари ўртасида ўтказилган спартакиада «Аёллари соғлом юрт қудратли бўлур» деб номланди.

### Жаҳонда

● Россиянинг «Дмитрий Донской» номли атом сув ости крейсери томонидан «Булава» денгиз стратегик ракетаси учирилди.

● Кембриж университети олимларининг кўп йиллик тадқиқотлари натижасида маълум бўлишича, чекиш ва ҳатто пассив ҳолатда чекиш ҳам кексаликда кўзнинг кўрмай қолиши хатарини сезиларли даражада оширар экан.

● Дунёда энг қиммат турадиган уяли телефон Австрияда ясатилди. Унинг корпуси соф тилладан бўлиб, устига уч мингта мовий жавоҳир ўрнатилган. Ушбу буюртма заводлардан бирининг раҳбари талабига кўра тайёрланган бўлиб, баҳоси 500 минг фунт стерлингни ташкил этади.

● Бразилия терма жамоаси ва Испаниянинг «Барселона» клубининг ҳужумкор ярим ҳимоячиси Рональдино жаҳондаги энг яхши футболчига топшириладиган «Жавоҳир тўп»нинг 2005 йилдаги соҳиби бўлди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**21-22 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Муҳокамага учинчи ўқишда киритилган «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Абдуллаева маъруза билан сўзга чиқди. Савол-жавоблар ва сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари иштирок этган муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси ушбу Қонунни қабул қилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг аҳолини қишки мавсумда электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги масала юзасидан ахборотти эшитилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов депутатлар олдида сўзга чиқди. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзтрансгаз» компаниялари, «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси, шунингдек Молия вазирлиги раҳбарлари депутатларнинг саволларига жавоб қайтардилар. Муҳокама чоғида Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг аҳолисини қишки мавсумда электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш муҳимлиги таъкидланди, мазкур соҳадаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ таклифлар киритилди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасида «Саодат»нинг саодати» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идоралар, жамғармалар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА МАТБУОТ

«Саодат» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарифа Салимова, Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини янада фаоллаштиришга, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янги поғонага кўтаришда муҳим омил бўлаётир. Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг бугунги ислоҳотлар жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

Миллий истиқлол ғояларини тарғиб ва ташвиқ этиш, заҳматкаш ва фидойи опа-сингилларимиз ҳаёти, фаолияти, орзу-умидларини акс эттиришда «Саодат» журнали ўзига хос минбар вазифасини ўтамоқда.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида ахборот хуружи авж олган даврда диний экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олишда, фарзандларимизни турли ёт таъсирлардан ҳимоя қилишда, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашда оммавий ахборот воситалари, жумладан, мазкур журналнинг фаолияти янада кучайиши лозимлиги таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

**Республика меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган 3162 боланинг ҳар бири Янги йилга «Соғлом авлод учун» халқаро нохукумат хайрия жамғармасидан совғалар олади. Жамғармада бўлиб ўтган учрашувда болалар учун мўлжалланган ўйинчоқлар, кийим-кечак, санитария ва гигиена воситалари меҳрибонлик уйлари директорларига топширилди. Учрашувда Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Sen Yolg'iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари қатнашди.**

Бу тадбир Президент Ислом Каримов томонидан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган 2006 йил вазифаларини амалга оширишда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг биринчи қадамидир, деб таъкидланди учрашувда. Жамғарма ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш, ёш истеъдодларни аниқлаш, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва етим-есирларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб давлат дастурларини бажаришда фаол иштирок этмоқда. Жамғарманинг ўз мақсадли дастурлари ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, у меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва ногирон болалар учун фестиваллар, танловлар, кўргазмалар, спорт мусобақалари ва бошқа тадбирлар ташкил этиб келмоқда. 2005 йилда ҳаммаси бўлиб 170 та шу каби тадбир ўтказилди.

**ЎзА**

*Фармон ва ижро*

# МАҚСАД — ТАДБИРКОРЛАРГА КЎМАК БЕРИШ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони тадбиркорларга қандай қулайликлар яратади ва ушбу ҳужжат ижроси юзасидан белгиланган вазифалар бажариляптими? Собир Раҳимов тумани ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари раҳбар ва вакиллари иштирокида ўтказилган семинар-йиғилишда ана шу масалалар кун тартибига қўйилиб муҳокама этилди.**

Йиғилишни кириш сўзи билан очган туман ҳокими Бахтиёр Ҳакимов Президентимизнинг жорий йилда чиқарилган тадбиркорликка оид Фармон ва Қарорларининг аҳамияти ва мазмун-моҳияти мунтазам равишда тумандаги тадбиркорлик субъектларига тушунтириб борилаётгани, муҳокама ва мулоқотлар асосида ўринли фикрлар билдирилаётганини таъкидлаб, жумладан, 2005 йил 5 октябрдаги Фармон ҳам тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш, кичик корхона ва микрофирмаларда текширувларни қисқартириш, уларнинг молиявий- хўжалик фаолиятига асоссиз аралашувларга чек қўйиш, солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилганини айтиб ўтди.

—Туманимиз ҳудудида мазкур фармонда белгилаб берилган янги меъёрларни тушунтириш бўйича тадбиркорлик субъектлари иштирокида бир неча марта семинар-йиғилишлар ўтказилиб, уларда 500 дан зиёд корхона раҳбарлари ва тадбиркорлар иштироки таъминланди,— дейди Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани бўйича ҳудудий комиссияси котиби Г.Канчурина.—Шу билан бирга туман давлат солиқ инспекцияси, туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, статистика ва молия бўлимлари, ахборот-маслаҳат маркази томонидан тадбиркорлар учун ҳар ҳафтада ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Туман савдо-саноат палатаси ва ахборот-маслаҳат маркази томонидан назорат органлари ходимлари ҳамда тадбиркорлар учун малака ошириш курслари ташкил этилиб, юқоридаги Фармон бўйича 204 нафар тадбиркор малакасини оширишга муваффақ бўлди.

Семинар-йиғилишда Фармон ижроси хусусида гапирилди, яъни 2005 йил 4-чораги учун тасдиқланган текширувлар 113та эканлиги ва улар қайта кўриб чиқилиб 38 таси режа-жадвалидан олиб ташланганлиги айтилди. Шунингдек, 2006 йилга туман бўйича текширувлар режа-жадвалига назорат органлари томонидан 334 та хўжалик юритувчи субъектларни киритиш кўзда тутилганди. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан ушбу жадвалдаги 187 та текширув қисқартирилган. Бу албатта, Фармон ижросини амалга оширишда ва тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларида муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, шаҳар Адлия бошқармаси билан биргаликда «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг юритилиши ва текширишларнинг қайд этилиши аҳволини аниқлаш мақсадида тумандаги 337 та хўжалик юритувчи ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўрганилди. Бунда бирорта ҳам ноқонуний текширув аниқланмади.

Семинар-йиғилишда қатнашчиларни қизиқтирган барча саволларга соҳа ходимлари томонидан тўлиқ жавоблар қайтарилди. Шу билан биргаликда билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлардан тегишли хулосалар чиқарилди.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**Катта ёшдагилардан тортиб то жажжи кичкинтойларимиз учун ҳам бирдек ёқадиган ширинликлар — қандолат маҳсулотлари ўзининг ажойиб таъми билан барча учун тансиқ ҳисобланади. Байрам шодиёналарида дастурхонимиз кўркига айланган бундай турли-туман мазали ширинликлар ишлаб чиқараётган "Тоиозем" масъулияти чекланган жамияти ходимлари айни дамда қўли қўлига тегмай янги йил дастурхонига тайёргарлик кўришмоқда.**

## ЯНГИ ЙИЛ ДАСТУРХОНИГА

1999 йилдан фаолият бошлаган ушбу корхона ички бозоримизни ўзининг кенг турдаги вафли маҳсулотлари, батон шоколадлари ва вафли тортлари ҳамда турли хилдаги печеньелари билан тўлдириб келмоқда.

Ҳозирда ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришиш учун албатта замонавий технологиялар ниҳоятда қўл келиши барчага аён. Бу борада корхонага Австралиянинг "Haas" фирмасидан замонавий ярим автоматлаштирилган юқори сифатли техник линиялар ўрнатилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бугунги кунда корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати ҳар сменада 2,5 тоннани ташкил қилса, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми эса 300-500 миллион сўмлик маҳсулотдан иборатдир.

Бу ерда тайёрланган ширинликларнинг қадоқланишига ҳам алоҳида эътибор берилади. Картон қутиларда, полипропилен қадоқларда, қоғоз пакетларда қадоқланаётган ширинликлар тайёрланиш таркибига, қўшилган масаллиқларига қараб турли ном остида чиқарилади. Қадоқлаш учун зарур қоғозлар тайёр ҳолда шаҳримизда фаолият юритаётган "Tyan Shan Fleks" қўшма корхонасидан шартнома асосида сотиб олинади.

Айни дамда корхона ходимлари Янги йил байрами дастурхони учун ажойиб печеньеларни ишлаб чиқармоқда. Шунингдек, мактаб ўқувчилари учун "Янги йил совғаси" номли совғалар тайёрланиб, савдо дилерлари ёрдамида сотувга чиқарилмоқда.

— Ҳозирда турли хилдаги ширинликлар ички бозорларимизда сотувга чиқарилмоқда. Биласизми, улар орасида очиғини айтиш керак усти ялтироқ аммо сифатсизлари ҳам учраб қолади, — дейди жумладан корхона директори Муҳаммаддиёр Бобоев. — Лекин барибир харидор сифатлисини танлайди. Шу боис ҳам ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотнинг сифатига эътибор қаратиш лозим. Албатта сифатли маҳсулот ҳар қандай шароитда ҳам ўз харидорини топиши аниқ.

Яқинлашиб келаётган Янги йилдан эса корхона ходимларининг умидлари катта. Улар ҳозирданоқ янги режалар асосида иш олиб бормоқдалар.

**Орзугул РУСТАМОВА**

*Янги йил олдидан*

# КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

**Янги йил — барча, айниқса, болалар орзиқиб кутадиган байрам. Бу байрамни зумрад арча, эртак қаҳрамонлари, Қорбобо ва Қорқизларсиз тасаввур этиш қийин. Юртимизда кичкинтойлар учун Янги йил шодиёналари 20 декабрдан бошланиб, 10 январгача давом этади.**

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги кўпгина майдонлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, маданият саройлари кичкинтойлар билан гавжумлашди. Байрам тадбирларининг кўтаринки кайфиятда ўтишида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси каби қатор ташкилотлар бош-қош.

Алишер Навоий номидаги Миллий боғдаги йигирма беш метрли улкан арча атрофи болалар билан гавжум. Ашула, рақс авжида. Байрамга таклиф этилган Учтепа, Чилонзор, Миробод туманларининг мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари қувончининг чеки йўқ.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жамолиддин Камоловнинг айтишича, арча байрами билан боғлиқ тадбирларда шаҳарнинг уч юз етти мактабидан бир юз ўн мингга яқин бола иштирок этади.

Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекис-тон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси жамоаларининг байрамга аталган дастурлари намойиш этилаётир.

— Бу ерга невараларим билан келдик, — дейди Яккасарой туманида яшовчи Ҳанифа Бобожонова. — Кичкинтойлар кутгани каби бу йилги арча байрами тантаналари анча эрта ва айни пайтда шаҳримизнинг деярли барча туманларида ташкил этилганидан мамнунмиз.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қайтадан бунёд этилган Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳам пойтахтимиз меҳмонлари, талаба ёшлар, жажжи фарзандлари билан келган ота-оналар билан гавжум. Бадиий жамоалар томонидан тайёрланган концерт дастурлари, эстрада артистлари, цирк усталарининг чиқишлари уларга байрам кайфиятини улашмоқда.

— Набирам Камолиддиннинг севинчини сўз билан таърифлаб беролмайман, — дейди Ҳаким Худойбердиев. — Янги йил байрами юртимизга барча болаларга ана шундай қувонч олиб келсин! Юртимиз тинч, бундай хайрли ишларнинг бошида турган Юртбошимиз омон бўлсинлар.

Авиасозлар маданият саройида ҳам эл севган санъаткорлар, болалар бадиий жамоалари, эртак қаҳрамонлари, турли аттракционлар ва кўнгилочар ўйинлар болалар хизматида.

— Бу ерга кенжа қизим Нозима билан келдим, — дейди болалар шифокори Насиба Саидаҳмедова. — Яқинлашиб келаётган Янги йил давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинди. Шифокорлар меҳнатини қадрлашга давлат сиёсати даражасида эътибор кўрсатилаётгани нафақат мени, юртимиздаги барча шифокорларни мамнун этди.

Янги йилга бағишланган барча байрам тадбирлари мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бошлаб юборилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ХАРИДОРЛАР УЧУН ИМКОНИЯТЛАР

Туркиянинг «Демир» компанияси мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган йилдан сўнг биринчилардан бўлиб ўз фаолиятини бошлаган йирик хорижий компаниялардан ҳисобланади. Ўз фаолият даврида компания озиқ-овқатлар, табиий шарбатлардан тайёрланган ичимликлар, мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган Mir store қўшма корхонасини ҳам ташкил этди. Ҳозирда ушбу маскан пойтахтликларнинг севимли масканига айланиб қолган. Замонавий «Супер маркет»нинг савдо ҳудуди харидорлар эҳтиёжини тўлиқ қондиролмаганлиги сабаб кенгайтирилди. Қайта таъмирдан сўнг мажмуада савдо хизмат кўрсатиш шохобчалари, қаҳвахона, заргарлик, мебель маҳсулотлари, замонавий либос ва пардоз-андоз молларини таклиф этувчи дўконлар ҳамда турли кўнгилочар марказлар ташкил этилди. Янги бинонинг ишга туширилиши компанияни Ўзбекистондаги фаолиятининг ўн йиллиги билан бирга нишонланди.

Тантанага таклиф этилган меҳмонлар янги бино билан танишиб, таниқли эстрада хонандаларининг концерт дастурини томоша қилишди.

**«Туркистон-пресс»**

*Истеъмолчилар ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида*

## ТАЛАБЛАР ҚОНДИРИЛМОҚДА

● Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси, 1-даҳа, 73-уй, 7-хонадонда истиқомат қилувчи Л.Усмонова "Электроникс" савдо дўконидан "Зенит" телевизорини харид қилади. Бироқ телевизорнинг техник имкониятларининг етарлилигига кафолат берган дўкон эгаларининг мижоз олдида юзлари шувут бўлиб қолди. Ҳозирда тегишли органнинг аралашуви билан носоз телевизор янгисига алмаштирилиб берилган.

● Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 4-уйда яшовчи Авазхон Ҳайдаров пойтахтимизнинг А.Навоий кўчасидаги хусусий тадбиркор Шуҳрат Султоновга тегишли "Электроникс" савдо дўконидан "Индезит" WIL-102 русумидаги кир ювиш машинасини 500.000 сўмга харид қилади. Бироқ ушбу мослама 1 ҳафта ўтмасданоқ техник носоз ҳолга келиб қолади. Ҳолбуки, дўкон сотувчилари "Индезит"нинг ишлаш кафолатини бир йил деб белгилашган эди. Истеъмолчи А.Ҳайдаров ушбу ҳолат юзасидан дўкон сотувчиларига бир неча маротаба мурожаат қилади. Аммо вазият барибир ечимсиз қолаверади. Ҳозирда мазкур истеъмолчига сарф этилган маблағ қайтариб берилган.

● Юнусобод тумани, 2-даҳа, 2-уй, 2-хонадонда истиқомат қилувчи Хава Нишонова юқорида номи зикр этилган савдо дўконидан "DAEWOO-280" русумли музлатгичини 355.000 сўмга харид қилади. Бироқ иш имкониятлари узоқ муддатга кафолатланган музлатгич борйўғи 5 ой ишлагач ҳолос. Ҳозирда тегишли органнинг аралашуви билан 355.000 сўмлик маблағ истеъмолчи Х.Нишоновага қайтариб берилган.

**Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси билан ҳамкорликда тайёрланди.**

**Азиз ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари! Сизнинг ҳам ҳуқуқларингиз поймол этилдими?! Унда марҳамат қуйидаги ишонч телефонларига қўнғироқ қилинг: 76-89-35, 117-25-38**




**КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.**
**Юсуфжон қизиқ Шакаржонов**

# АҚЛЛИ ГАП ЧИҚМАДИ

**Ҳангома**

Эҳ, хотинлар-а! Тўрттамиз йиғилсак бозор-да. Дунёнинг у четидан кириб, бу четидан чиқамиз.

Бир йиғинга борувдим. Уйга келиб нима гаплашганимизни эсласам, кечгача бир гапни сақичдай чайнабмиз-а?! Эсиз ўтган кун! Афсус қилмайман-у, ахир бизнинг танглайимиз гап билан кўтарилган бўлса, нима дейсиз? Гап, гап, гап... Нимадан бошланди ўзи. Ҳм, Озодахоннинг бошқоронғи бўлганидан.

— Шу десангиз, бир ҳафта ўтиши билан, кўнглим гум-гум кетаверади. Ер тишлаб ётиб оламан. Ҳеч нарса ёқмайди. Адаси уни олиб келадилар, емайман, буни олиб келадилар, емайман. Охири машинага ўтқазиб, бозорга олиб бордилар.

«Нима егинг келяпти, хоҳлаганингни олиб бераман», дейдилар. Бозор айланиб, қурт, тоғолча, балиқ, товуқ, писта, хаҳ-хаҳ-а, охири қази олиб бердилар. Қани энди еёлсам, оғзимга оламан-у, ташлайман.

— Вой мани бошқоронғилигим, — дея гапга қўшилди Шоҳиста. — Жинни бўламан. Эрим кўзимга бало бўлиб кўринади. Болаларни чиқиштирмайман. Жуда инжиқ бўламанда. Гоҳ уйга кетиб қоламан, эрим бориб олиб келаверади. «Ҳамма ишни ўзим қиламан, юр», дейди.

—Биласизларми, мен нимага бошқоронғи бўламан, хом тарвузга! Шу пишмаган тарвуз бўлади-ку, шуни ўртасидан ёриб, икки палласига термулиб ўтираверсам.

—Менам юрган эканман, бошқоронғи бўлдим деб,—дейди Зуҳрахон.—Вей, кўзимга фақат қовунлар кўринади. Бозордаги уюм-уюм қовунлар. Бир кун эрталаб эримга тайинлаб айтиб юбордим. Энди қовун келади, деб бошқача кайфиятдаман. Уй йиғиштирсам ҳам кўзимга фақат думалаб ётган қовунлар кўринаверади. Бир куни дунёнинг кирини ювдим. Кўзимга қовун, қовун, фақат қовун кўринади. Кеч бўляпти. Ана, ҳозир Саиджон акам икки қўлтиғи орасига қовун кўтариб келадилар, деб ўтирибман. Қани энди келсалар, соат саккиз бўлди, тўққиз, ўн бўлди. Бир пайт югуриб бориб эшикни очсам, ғирт маст, жувонмарг... Шунақа жоним чиқди, шунақа жоним чиқди...

—Вой, мани кеннойим илонга бошқоронғи бўлган. Ойим билиб қолганлар. Энди илонни қаердан оласиз? Ойим бозорга тушиб хасип олиб уни пишириб, лаганга кулча қилиб солганлар-да, кеннойимнинг тахмони тагига қўйиб қўйганлар. Кейин кеннойимни чақириб: «Олтиной, бу ёққа келинг, ана у сандиғингизнинг тагидан чиққан илонни қаранг», дедилар. Кеннойим ишонди ва югуриб бориб хасипни ушлаб олди. Кейин:

— Бўлди, бўлди, кўзим мошдек очилди-я, — деди.

— Вой, тавба, шунақасиям бўларканми?

— Бошқоронғилик—ғирт жинниликда! Менга шунақа пайтда ҳаммадан папирос, арoқ ҳиди келаётганга ўхшайди. Худога шукр хўп ана шу жиннилик давридан ўтиб олдикда, хаҳ-хаҳ-а...

Ана шунақа, хотинлар. Кун бўйи валақлаб-валақлаб, бирортамиздан битта ақлли гап чиқмабди-я. Яна болаларимиздан нима ҳам талаб қиламиз?!

**Қутби НОСИРОВА**

# БИР ЧИМДИМ КУЛГУ

Трамвайдан тушишга қийналаётган кекса кишини кўрган йигит уни қўлтиқлаб тушишига ёрдамлашди. Маҳаллада бахил номи билан машҳур бўлган қария йигитга норози оҳангда деди:

— Сен ёрдамлашмасанг ҳам ўзим амаллаб тушар эдим. Биламан, сен суюкли хотинингга ҳам асло кўрсатмайдиган ёрдамни қариб қолганимиз кўз-кўз қилиш учун менга қилдинг. Шунинг учун сенга миннатдорчилик билдиришимга умид ҳам қилма!

* * *

Кинофильм намойиш этилаётган вақтда томошабинлардан бири ўрнидан туриб ўтирганлар олдидаги тор йўлдан қийналиб ўтар экан, кимнингдир оёғини "ғарч" босиб олди. У ташқаридан томоша залига қайтиб киргач, ўзи ўтирган жойга тусмоллаб яқинлашар экан баланд овозда сўради:

— Чиқаётганимда кимнинг оёғини босиб олган эдим?

— Мени, — деди икки қатор олдинда ўтирган йигит.

— Сиз мени кечирим сўрамоқчи деб ўйламанг, қоронғида ўз қаторимни топа олмай қолдим.

* * *

Бир киши яқин дўстига шикоят қилди:

— Кейинги вақтда хотирам жуда пасайиб кетди. Баъзан бу йилнинг нечанчи йил эканини ҳам эслай олмайман.

— Парво қилма. Буюк инсонларнинг аксарияти паришонхотир бўлишган.

# ҲОВЛИ ОЛМА, ҚЎШНИ ОЛ

**Ҳажвий шеър**

*Ён қўшним бор аломат,*
*Ичиб қилар қиёмат.*
*Дуч келганни сўкади,*
*Кучи етса сўқади.*
*Ҳовли олма, қўшни ол,*
*Бу ҳикматга қулоқ сол!*
*Келади лойга ботиб,*
*Олган маошин йўқотиб,*
*Бир пой туфли оёқда,*
*Бири қолди қаёқда?*
*Ҳовли олма, қўшни ол,*
*Бу ҳикматга қулоқ сол!*
*Хотинини чақирар,*
*Арақ топ, деб бақирар.*
*Агар топмаса арақ,*
*Синар бошида таёқ.*
*Шўрлик калтак емасин,*
*Бизни номард демасин.*
*Бизда ҳам бор номус-ор,*
*Арақ бўлса уйда бор!*
*Шафқат этмайлик нечук?*
*Мастни тинчитмоқ нечук?*
*Оқдан қуйиб берамиз,*
*Бошқа нима қиламиз?*
*Шунча қилдик билмади,*
*Назар-писанд қилмади.*
*Ҳамон ўша маш-маша,*
*Аҳмоқона томоша.*
*Ҳовли олма қўшни ол,*
*Бу ҳикматга қулоқ сол!*
*Ундан қутулсам қочиб,*
*Бору йўғимни сочиб,*
*Эл-юртга ош берардим,*
*Ҳаққа шукур қилардим.*
*Ҳовли олма, қўшни ол,*
*Бу ҳикматга қулоқ сол!*

*Туроб АКБАРХЎЖАЕВ*

# ЙЎҚОЛГАН ПИЧОҚЧА

**Ҳажвия**

Идорада пакки-пичоғим йўқолди. Ачиндим. Бувамдан қолган ёдгорлик эди, пичоқчага бувамнинг табаррук номи ўйиб ёзилганди.

Орадан бир ҳафтача ўтгандан кейин ҳамхоналаримдан бири бетоб бўлиб қолди. Кўргани бордим. Ошнам хурсанд бўлиб кетди. Уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирган эдик, хонага ошнамнинг олти-етти яшар ўғилчаси югуриб кирди.

—Мана менинг чиройли пичоғим бор,— деди бола мақтаниб.

Бу ўша мен йўқотган пичоқча эди... Ошнам ғалати бўлиб кетди. Ранги бир оқарди, бир қизарди. Менам алланечук бир аҳволга тушиб қолдим.

—Аблаҳ,—деди ошнам ўғлининг қўлига уриб. У шундай урдики, пичоқча боланинг қўлидан отилиб кетиб, столдаги биллур гулдонга тегди. Гулдон чил-чил синди. Хонага ошнамнинг хотини югуриб кириб, айюҳаннос сола бошлади:

—Ҳа, қилган ишингиз қурсин. Онамдан қолган эсдалик эди-я... Касал бўлмай қолинг. Шу алмисоқдан қолган пичоқчани қай гўрдан топиб келган эдингиз?... Шундоқ гулдонимнинг бошига етди-я...

Ошнам ердан бош кўтаролмай қолди. Мен эса борганимга пушаймон бўлдим.

**Бектой ВАЛИЕВ**






Сўзсиз суратлар.

**Абдурасул Ҳакимов чизган расмлар.**

# МУСАҲҲИҲ ЯНГЛИШГАНДА

- Бизда сурувчилар /курувчилар/ кўп.
- Дўстимни ҳўллаб /кўллаб/ юборсангиз.
- Эрни /ерни/ қайта ишлаш вақти етди.
- Ишлаб чиқаришдаги маҳсулотларимиз сифатли нола /тола/лардан тайёрланмоқда.
- Метрода темир бетон /жетон/ ўтмайди.
- Сиздек садоқатли қошиқ /ошиқ/ни энди кўришим.
- Гап келганда опанг /отанг/ни ҳам аяма.
- Бўривой тажангнинг қони айнаб /қайнаб/ дўстига бир мушт туширибди.
- Кўза тунда /кунда/ эмас, кунида синади, дейдилар.
- Маҳаллада тош /ош/ беришаётган экан.

*Латифалар*

# МЕНДАН КЎРИШАЁТГАН ЭМИШ

Эрта тонгда ишга шошилиб кетаётган одамлар орасида бир чумоли ҳам пилдираб бораётган эмиш. Ҳангоматалаб бир йўловчи ундан сўрабди:

— Биз-ку, ишга кеч қолмаслик учун қадамни катта ташлаяпмиз, сен қаерга шошиляпсан?

— Ия, ҳали ҳеч нарсадан хабарингиз йўқми?

— Хўш-хўш, нима гап?

— Филни сўйиб кетишибди-ку!

— Филни сўйиб кетишган бўлса, сенга нима?

— Одамлар буни мендан кўришаётган эмиш-да!

# УНИНГ ОДАТИ МАЪЛУМ

Айиқ ўрмонда кетаётса, қаршисидан чопиб чиққан қуён унинг оёғига урилиб йиқилиб тушибди. Ажабланган айиқ сўрабди:

— Кўзингга қараб юрсанг бўлмайдими, намунча ҳовлиқасан?

— Ўрмондаги эълонни ўқимадингизми?

— Йўқ. Қанақа эълон экан?

— Қайси ҳайвоннинг оёғи бешта бўлса, биттасини кесиб ташлашар эмиш!

— Унда қўрқмасанг ҳам бўлади, сенинг оёғинг тўртта-ку. Унинг одати маълум, эшак эшаклигига боради-да, олдин бир оёқни кесиб қолганларини кейин санайди.

**Убайдулла АБДУЛЛАЕВ**

**Саҳифа материалларини кулги устаси ЧАҚҚОНБЕК ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.**

**«Истеъдоднинг учқунлари ҳаммада ҳам бўлади. Бироқ уни тарбиялаш, йиллар давомида сайқаллаш лозимдир», деган эди Ғарб файласуфи Ромен Роллан. Дарҳақиқат, инсонга ҳадя этилган илоҳий неъматлар орасида истеъдод алоҳида ўрин тутади.**

*Ёшлар — келажагимиз*

## ИЖОД НАМУНАЛАРИ ЎРИН ОЛДИ

Юнусобод туманидаги Ўқувчи ёшлар техник ижодиёти маркази фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, бу ерда табиат инъом этган истеъдоди билан ўқитувчи ва мураббийлари эътиборини қозонаётган кўплаб ёшлар таҳсил олаётганлигига амин бўлдик.

Яқинда ушбу таълим масканида ҳунар ўрганаётган 30 нафар ўқувчиларнинг зардўзлик, авиамодел, автомодел, тикувчилик, тўқувчилик сингари соҳалардаги ижод намуналари кўргазмаси очилди.

Тадбирда сўзга чиққан Юнусобод туман халқ таълими бўлими услубчиси Муаззам Ғуломова, «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман бўлими Кенгаши раиси Маҳмуд Асомов, «Бободеҳқон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Машҳура Исмоиловалар ўқувчиларнинг ижодий, ҳунар эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларидан ижобий натижалар кутилаётганлигини таъкидлашди, шунингдек, мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган барча имкониятлар яратилганлигини қайд этиб ўтишди.

— Ўқувчи ёшлар техник ижодиёти марказида 1486 нафар ўқувчи ҳунар сирларини ўрганади, — дейди ушбу илм маскани етакчиси Саодат Худойқулова биз билан суҳбатда. — Ўқувчиларимизнинг 25 нафари жисмоний имкониятлари чекланган ногирон болалардир. Бугунги тадбиримизда намойиш этилаётган ижод намуналарининг аксарияти айнан шу тоифадаги ўқувчиларимизнинг изланишларига тааллуқли. Шу ўринда бу каби тадбирларни ўтказишда ўзининг моддий ва маънавий кўмагини аямаган «Орзу пластик», «Адра-Ўзбекистон» қўшма корхоналарига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**


## «ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ» ЖУРНАЛИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА




***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаш ҳузурида ташкил этилган умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий нашр ҳисобланган "Фуқаролик жамияти" журналининг махсус сони сотуви ва 2006 йил учун обуна давом этмоқда. Махсус сони 2500 сўм, бир йиллик обуна нархи 10000 сўм. (бир йилда 4 маротаба чоп этилади).***

*Журнал саҳифаларида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш соҳасидаги ислоҳотлар ёритиб борилади.*

**Журнал таҳририяти Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-а уйда жойлашган.**
**(тел: 132-62-27; 132-62-29; факс — 132-62-28)**


## МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

**24 ДЕКАБРЬ, ШАНБА**

**Гўзаллик ва муҳаббат сайёраси Зуҳро юлдузи бугун гўё само қаърида тўхтаб қолади ва эртадан бошлаб бизнинг назаримизда орқага қараб ҳаракатини бошлайди. Мунажжимларнинг қайд этишларича, осмонда шундай вазият юзага келганида инсонларда аввалги муҳаббатларига қайтиш, дўстлик ришталарини тиклаш эҳтиёжи пайдо бўларкан. Айни пайтда бир неча кун олдинги муносабатларимиздаги энг қайноқ ҳиссиётлар бирданига совиб қолиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.**

Бугун танбалликка берилиш ва кўп ухлаш мумкин эмас. Қарзлардан қутулиш, унутилган дўстлар даврасига қайтиш, янги билимларни эгаллаш учун ҳам бугунги кун қулай ҳисобланади.Қўл меҳнати, айниқса доира шаклидаги буюмларни тайёрлаш хайрли бўлади. Эрталаб эҳтирослар жўш уриши, дағаллик ҳолатлари намоён бўлиши мумкин. Кечга бориб бу ҳолатлар жойига тушади. Шунинг учун тонгги нохушликларга эътибор қилманг.

Бугун асаб тизими, нафас йўллари ва ўпка заифлашган ҳолатда бўлади. Кун давомида ҳеч бўлмаганда бир марта дам олишингиз керак. Овқатни бўкиб еманг ва спиртли ичимликларга яқинлашманг.

**25 ДЕКАБРЬ,ЯКШАНБА**

**Мазкур якшанба қуввати катта кучга эга бўлиб, вақтида унга муносиб ҳаракат йўлини топиш муҳим аҳамиятга эга. Қуёш тақвимининг 10-куни ўз хатти-ҳаракатларингизни холис таҳлил этишингиз, эҳтирос ва ўй-фикрларингизни тўғри йўналтира олишингиз катта ижобий рол ўйнайди. Гап шундаки, улкан ахборотлар оқимидан инсон мияси фақат ўзи хоҳлаганларинигина қабул қилади. Шунинг учун умидсизлар ҳамиша юзага келган вазиятни ўзгартириб бўлмаслигини исботловчи чексиз далилларни топишса, келажакка ишонч билан қаровчилар ҳар қандай тўсиқларни дадил енгиб ўтиб, ҳаётларини яхшилашга эришадилар.**

Мабодо, шу ойга бирон ишни режалаштирган бўлсангиз, бугун соат 14 дан кейин уни бошлаб юборишнинг айни пайти бўлади. Сиздан диққат-эътиборингизни жамлаб, куч-ғайратингизни тўғри сафарбар этиш талаб қилинади ва шунда ишингиз силлиқ кетади. Танбеҳ ва маслаҳатларга қўл силтаманг: бугун кимлар сизни нималарга даъват этаётганига қулоқ тутишингиз катта аҳамиятга эга эканлигини унутманг.

Кўзларингизни толиқтирманг. Кўзгуга узоқ тикилиш ҳам ман этилади. Гўшт ва умуман бадҳазм таомларни истеъмол қилмаганингиз маъқул.

**26 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА**

**Сайёралар жойлашишининг бугунги ҳолати шундай бўладики, мунажжимлар уни "ойболта" деб аташади. Илми нужумда у ҳамиша "илдизни чопиб ташлаш" билан боғлиқ ўтмишга қайтишни билдиради. Агар бирор киши шу йил февраль, март, август ва ноябрда ўз бошидан кечирганларини англаб етмаган ва улардан тўғри хулосалар чиқариб олмаган бўлса, ҳаёт уни ҳамма нарсани қайта бошдан бошлашга мажбур этади.**

Ой сайёраси йўналишсиз ҳолатда бўладиган соат 12.27 дан 02.00гача вақт оралиғида спиртли ичимликлар ва гиёванд моддалардан ўзингизни тийинг - уларнинг инсон руҳиятига салбий таъсири ғоят кучли бўлади.Иложи борича чекишни ҳам камайтирган маъқул. Мабодо, куннинг биринчи ярмида уйдан чиқсангиз, эринмай осмонга назар ташланг: булутлар шакли сизга келажагингиз ҳақида ҳикоя қилиб бериши мумкин. Бугун сизни таъқиб этувчи ҳидлар ҳам нималарга эътибор қилишингиз кераклигидан хабар берувчи индикатор вазифасини ўтайди.

Башоратли тушлар даври давом этади, қаторасига бир нечта туш кўриш ҳам хайрли бўлади. Тушингизда парвоз қилишингиз, камалак ёки булутларни кўришингиз кўпгина эзгуликларга ишора бўлади.

Ошқозон, ошқозоности бези, кўкрак ва диафрагма бугун заифлашган ҳолатда бўлади. Кечқурун ҳаммом қилинг, малинали мураббо билан чой ичинг.

Кўзни қамаштирмайдиган, ранги ўчган тусдаги кийимлар бугунга мос келади.Қизил, зарғалдоқранг ва бошқа ярқироқ ранглардан узоқроқ бўлинг.

*Ҳар тўғрида бир шингил*

### ҚУШЛАР ҲУЖУМИ

Америка учувчиси С.Хени учун унинг биринчи учиши ҳаётида охиргиси бўлиши мумкин эди. Унинг самолёти Пенсакола шаҳри устида учиб бораркан 800 метр баландликда қушлар тўдаси ҳужумига дуч келди. Қушлардан бири кабина олдидаги ойнани синдириб, аввал учувчининг юзига, кейин елкасига қаттиқ урилди. Натижада Хени ҳушидан кетди. Самолёт бошқарувчисиз қолганини кўрган иккинчи учувчи жон талвасасида ўзини самолётдан ташлади. Лекин бир оздан сўнг ҳушига келган Хени бир амаллаб машинани қўндирди. У самолётдан тўғри госпиталга келтирилди. Чунки юзи дабдала бўлиб кетган, бунинг устига елкаси синган эди.

### АГАТА КРИСТИНИНГ ХАЗИНАСИ

Агата Кристи деганда кўзимизнинг олдига «Ўнта негр боласи», «Соф инглизча қотиллик», «Стаффорд жумбоғи» сингари ўнлаб романлар, саргузашт ҳикоялар ва қиссаларнинг муаллифи бўлган машҳур адиба келади. Лекин бугун унинг ёзувчилик маҳорати ҳақида сўзламоқчи эмасмиз. Агата Кристининг археолог бўлганини кўпчилик билмаса ҳам керак. 50-йилларнинг бошида у археолог эри билан биргаликда Тигр ва Фрот дарёларининг оралиғидаги қазиш ишларида қатнашган эди. Эру хотин у ердаги қадимги ибодатхонани очишган эди. Яқинда ироқлик археологлар Кристининг бошлаган ишини охирига етказиб, ажойиб самарага эришдилар: қадимги ибодатхонада тошга ёзилган 99 қатор битикни топдилар. Ёзувлар худди кеча ёзилгандек мармар тахтасида турар эди. Бизнинг давримизгача етиб келган бу битиклар энг қадимий, қудратли тараққиётнинг—ассурийларнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Агата Кристи шу ишнинг тепасида бўлганида, албатта, янги саргузаштлар романи дунёга келишига шубҳа йўқ эди.

### ФИЛ МЕҲРИ

Ғарбий Германиядаги «Ренд» циркининг ташвишига яна бир ташвиш қўшилди. 17 ёшли Индра номли фил овқатдан қолиб, кун бўйи аянчли наъра тортадиган бўлиб қолди. Ветеринарларнинг боши қотди, чунки дори-дармон ёрдам бермади. Сабаби айриликда экан. Гап шундаки, ҳайвон ўргатувчи Альфонс Кельнер автомобил авариясида айбдор бўлгани учун ўн ой қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Маъмурият циркни турмага яқинроқ жойга кўчирди. Бундан мақсад Кельнер гоҳида фил билан кўришиб туриши учун эди. Бироқ ҳайвон ўргатувчини филнинг ёнига олиб келиб, кейин олиб кетишгач фил янада жаҳлдор ва хавфли бўла бошлади. Охири турма маъмурияти фавқулодда чора кўради. Кельнер муддатидан илгари қамоқдан озод қилинди.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ**

**Тошкент Давлат цирки 2005 йил 28 декабрдан бошлаб 2006 йил 10 январга қадар**

**БОЛАЖОНЛАР, СИЗЛАР УЧУН!**

**Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида Тошкент цирки манежида**

**«ҚУВНОҚ САЁҲАТ ЁКИ ЯЛМОҒИЗ КАМПИР ҚАРШИ» ЭРТАК-САРГУЗАШТИ**

*Томошалар: 28, 29, 30, 31 декабрда соат 12.00, 14.00, 16.00 да; 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 январда соат 10.00, 12.00, 14.00 ва 16.00 да бошланади. Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.*

*Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.*
*Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.*

**Маълумотлар учун телефонлар:**
**144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

*«VERSARI» адвокатлик фирмаси аҳолининг кам таъминланган қисмига жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича беғараз, малакали юридик ёрдам кўрсатади. Агар сизнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларингиз поймол қилинган бўлса, адвокатларимизга мурожаат этишингиз мумкин.*

*Қўшимча маълумотлар учун «VERSARI» адвокатлик фирмасига мурожаат этишингиз мумкин.*

**Манзил: Тошкент шаҳри 700084, Г.Абдурашидов кўчаси, 1-А уй «Ўзфармсаноат» биносида жойлашган.**

**Мўлжал: Гидрометеорологик марказ бекати, Халқаро Қизил Хоч жамияти қаршисида.**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Бинолардан фойдаланиш департаменти" Давлат унитар корхонаси ўз Низом жамғармасининг 700 000 000 сўмдан 608 781 854, 66 сўмга камайганлигини маълум қилади.

Шарқ дурдоналари

**Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...**

● Яхши устоз шогирдлар етиштиради.

● Ўз шогирдларида меҳнатдан завқланиш хислатларини уйғота билган устоз шарафларга лойиқ.

● Устоз шогирдни ҳаётга тайёрламоғи учун аввало ўзи ҳаётни чуқур билмоғи лозим.

● Ўз устозининг ҳурматини жойига қўймаган шогирд илмдан ҳеч қачон фойда кўрмайди.

● Шогирднинг ўз муаллими олдидаги одоблари шундан иборатки, у ўз муаллими олдида жим ўтиради, кўп гапирмайди, устоздан изн бўлмагунча ҳеч бир масала ҳақида сўрамайди. Устознинг гапларини бўлмайди, тортишмайди. Унинг олдида бошқа кишилар билан суҳбатлашиб, кулишиб ўтирмайди. Устоз унга қараб гапираётганда ҳар томонга кўз ташламай устознинг кўзига қараб туради. Устозда чарчаш аломатлари зоҳир бўлса, ўқиш ва гапиришни тўхтатади, ўрнидан турса бирга туради. Уйга етмагунча йўлда саволга тутмайди. Устоз бирор иш қилганда ёқимсизроқ туюлса, эътиқодини ёмон қилмайди. Чунки устоз кўп нарсани билади. Эҳтимол шогирдининг ақли етмаган нарсани қилгандир.

Байт:

**Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,**
**Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.**

● Халқнинг муҳаббатини молу дунёингиз билан эмас, балки одоб, хушмуомалангиз билан жалб эта оласиз.

● Биров сенга ишониб бирор омонат қўйса унинг молига хиёнат қилма.

● Бошқалар ёнида бировга айбларини айтиб насиҳат қилиш — уни одамлар олдида уялтириш демакдир. Шунинг учун холи жойда насиҳат қилиш керак.

Ҳикоят: Донишмандлардан бири ўғлини тиқиштириб овқат ейишини тақиқлади. Ўғли айтди:

— Эй отажон, очлик одамни ўлдиради, тўқ бўлиб ўлиш очлик ҳолда яшашдан яхшироқ эмасми?

Отаси айтди:

— Эй ўғлим, ўртача овқат ейишга одат қил. Тиқиштириб овқат ейиш беш қўлни оғизга тиққан очкўздан фарқ қилмайди. Очкўз кишини ҳар қадамда ҳалокат кутади. Е, ич, аммо исроф қилма. Шу насиҳатга амал қилсанг умринг узун бўлади.

Байт:

**Бу пандимни эшит, фарзанди содиқ,**
**Билиб иш қил, насиҳатга мувофиқ.**
**Сенга ким ишониб топшириб қўйса омонат,**
**Эрсанг доно унга қилма хиёнат.**

● Кибр ва ғурурдан узоқ бўл. Кибр кишини эл орасида хор, беқадру беэътибор қилади.

Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Бош бошқармаси томонидан «Карима» хусусий корхонасига берилган № 1555278840 сонли маълумотнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Кейинги пайтларда юртимизда фильмлар ишлаш сони бир мунча кўпайганлиги жараёнини кузатиш мумкин. Кино ижодкорларининг саъй-ҳаракатлари боис яратилаётган фильмларнинг мавзуси ҳам бир-биридан фарқ қилиши томошабинларнинг қизиқишини орттирмоқда. Бу юртимизда кино санъатининг ривожланишидан далолатдир.**





*Янги фильмлар*

# «БИР КУНИ АФАНДИ»

Ўзбек кино ижодкорлари томонидан яратилган «Бир куни Афанди» номли фильм барча томошабинларга янги йилнинг ажойиб совғаси бўлади, десак янглишмаймиз. Эркин Хушвақтов сценарийси асосида, режиссёр Шуҳрат Аббосов томонидан суратга олинган ушбу фильмда асосий ролларни «Ҳандалак» актёрлари Ортиқ Султонов, Зокир Очилдиевлар ижро этганлар. Шунингдек, актёрлар Мадина Мухторова, Равшан Солиҳов ва «Қаҳқаҳа» гуруҳи қизиқчилари ҳам янги кинотасмада суратга тушишган.

«Бир куни Афанди» фильми комедия жанрида яратилган бўлиб унда, ҳаётда учрайдиган ижтимоий муаммоларни кулгу орқали, Афанди образи воситасида енгиш, худбин, манман кимсалар устидан кулиш ва уларга нисбатан элнинг нафратини қўзғатиш тасвирга олинган.

Фильм кулгили ва қизиқарли воқеаларга бой бўлиб, суратга олиш жараёнлари Бухоро, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтди.

Ушбу фильмнинг 2006 йилнинг январь ойидан экранларга чиқиши мўлжалланмоқда.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ**

**СУРАТЛАРДА: «Бир куни Афанди» фильмидан лавҳалар.**

## ЯШИЛ ЧИРОҚ ҚАЧОН ЁНАДИ?

Пойтахтимиз кўчалари кундан кунга кенгайиб, пиёдалар учун махсус йўлкачалар пайдо бўлаётгани, серқатнов кўчалар устига маҳобатли кўприклар қурилиб икки қаватли йўллар очилаётгани ҳамшаҳарларимизни беҳад қувонтирмоқда. Бироқ ҳар тўкисда бир айб деганларидек, кейинги вақтларда Халқлар Дўстлиги шоҳкўчасининг "Чилонзор" бекати билан Собир Раҳимов бекатлари оралиғидаги жой анча нотинч бўлиб қолди.

Яқинда, аниқроғи, 20 декабрь куни соат тонги 06.30да рўй берган автоҳалокатдан шу атрофда яшайдиганлар бир қалқиб тушди. Маълум бўлишича, юқори тезликда келаётган "Жигули" русумли автомобил бошқа кўчадан ("Мевазор" маҳалласидан ёки қарама-қарши кўчадан чиқиб келган, тафсилотлар ўрганиляпти) "Нексия" маркали автомобилнинг орқа томонига урилиб, йўлда турган бошқа бир "Жигули" русумли автомобилнинг устига ағанаб тушган. Фалокат натижасида уч киши тезлик билан касалхонага ётқизилди. Бир йўловчи эса воқеа жойида оламдан ўтди.

Бундай воқеа ушбу кўчада биринчи марта юз бераётгани йўқ. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларига ҳам бу кўча анча таниш бўлиб қолган десак янглишмаймиз. Тезликни оширганларни улар худди шу ерда туриб назорат қилишади. Чунки бу ерда йўл ҳаракати учун лозим бўлган қурилмалар, йўл чироқ йўқ. "Мевазор" маҳалласидан чиқиб келаётган автомашиналар ҳам, пиёдалар ҳам йўловчи машиналар қатори ўтиб бўлгандан сўнггина кўчанинг нариги бетига ўтишлари мумкин. Бунинг устига хўжакўрсинга қаққайтириб ўрнатиб қўйилган чироқлар бир ёнса бир ёнмайди. Куни кеча содир бўлган автоҳалокат чоғида ҳам чироқлар ёнмаган.

Балки бундан бир неча йиллар аввал автобус қатнови йўлга қўйилмагани сабабли маҳалладан чиқадиган автомашина ва пиёдалар камроқ бўлгани учун бу ерга йўл чироқ ўрнатилмагандир. Ҳозирда эса бу кўчанинг яқин атрофи жуда гавжумлашиб кетган. Метронинг "Чилонзор" бекати томонидан бир эмас, тўртта автобус йўналиши, қолаверса "Отчопар"га кун бўйи қатнайдиган микроавтобуслар ҳаракати тинмайди. Йўл чироқ эса фақат Тошкент вилояти божхонаси ёнида, Иван Франко кўчаси билан кесишган чорраҳада ўрнатилган холос.

"Мевазор" билан "Дўмбиробод" маҳалласини ажратиб турган Халқлар Дўстлиги шоҳкўчасида аҳолига яратилган қулайлик — автотранспорт воситаларидан маҳалладошлар бирдек фойдаланиб турган бир пайтда, пиёдалар катта йўлдан узлуксиз ўтиб турган автомашиналардан доимо жонсарак.

Энг асосийси, "Мевазор" маҳалласидан ҳар куни мактабга, олий ўқув юртларига, ишга, ўқишга ошиқаётган ёшлар биз таърифини келтираётган кўчани (айниқса эрталаб серқатнов пайтда) кесиб ўтишга анча қийналадилар. Уларнинг жонларига оро кирадиган йўл чироқ йўқ. Кўза кунда эмас, кунида синади деган гап бор. Шундай экан, наҳотки серқатнов бу жойда йўл чироқ ўрнатиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаса?

## ЯНА ҚОИДАБУЗАРЛИК ҲАҚИДА

Юнусобод бозорининг Аҳмад Дониш кўчаси бўйлаб кетган ўнг томони доимо машиналар билан банд. Бу жойда машиналар туриши тақиқлангани билан турнақатор автоуловлар эрталабдан кечгача шу жойда тўхтаб тураверади. Йўл назоратчилари билмадик, ўртада бир келишувчанлик борми, кўз ўнгида турган бу машиналарга парво қилишмайди, сўраб-суриштирмайдилар ҳам.

Лекин шу жойга биронта бегона машина оралаб кўрсинчи? Шунча автоулов турганда мен бир зум машинамни тўхтатиб кабинадаги одамларни ёки бозорга сотиш учун олиб келинган қопдаги маҳсулотларни тушириб юборсам ҳеч нарса қилмас, деган хаёлда машинасини тўхтатиб кўрсин-чи? Кўзи олазарак назоратчилар соя-салқинда яшириниб турган жойдан югуриб чиқишади. Дарҳол сизга тўхташ ишорасини қилишади. Тўхтадингиз—масала ҳал. Осонликча уларнинг қўлидан қутулмайсиз.

Ўтган якшанба куни биз билан ҳам шундай ҳолат юз берди. Турнақатор тўхтаб турган машиналар ёнида бир зум тўхтаб икки қоп сабзини тушириб балога қолдик. Юришимиз билан ёшгина назоратчи тўхташ ишорасини қилди.

— Ҳужжатларингиз?

Қўлига ҳайдовчилик гувоҳномасини тутқаздик.

— Нега қоидани буздингиз?

— Ахир шунча машиналар кун бўйи турганда мен ноиложликдан бир зум тўхтасам нима қилибди.

— Гувоҳномангизни йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармасидан оласиз.

— Бир гал кечира қолинг...

Ўртага унинг ёнидаги шериги аралашди. Хуллас, қанча асаббузарликдан сўнг аранг гувоҳномамизни қайтариб олдик.

Қонун барчага баробар эканлигини назарга олмай, кимлар билан дир мутлақо иши йўқ, бошқа ўтган-кетганларни эса бир зумлик тўхтов учун асабини бузиб турган бу назоратчиларнинг қилмишини қандай баҳолаш мумкин?

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2495 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-208. 1 2 3 4 6